

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ

Газетанинг 2-3-саҳифаларида эълон қилинаётган ушбу сарлавҳали мақолада давлатимиз раҳбарининг 2016 йилдан то бугунгача бўлган даврда минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги жасоратли хизматлари ҳамда минтақани глобал транспорт логистика тармоғига интеграция қилиш борасидаги прагматик сиёсати хусусида ҳикоя қилинади.

КУН НАФАСИ

- Президентнинг «Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.
- Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан Женевада ўтказилган Халқаро меҳнат конференциясининг 111-сессияси доирасида Сенат раиси Танзила Норбоева АҚШ меҳнат вазирининг ташки ишлар бўйича ўринбосари Теа Ли ҳамда АҚШнинг халқаро меҳнат масалалари бўйича махсус вакили Келли Фэй Родригес билан музокаралар ўтказди.
- Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси фаолият бошлаганининг 19 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
- Санкт-Петербург халқаро иктисодий форумида Россия газини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича шартнома ва республика газ узатиш тизимини Россия газини қабул қилишга тайёрлаш бўйича «Йул харитаси» имзоланди. Россия газини Ўзбекистонга Қозоғистон ҳудуди орқали экспорт қилиш 2023 йилнинг тўртинчи чорагидан бошланади, дейилади Энергетика вазирлиги матбуот хизмати хабарига.
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Оролбўйида бўлди.
- Атоқли адиб Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи Анқарадаги Евросиё Езувчилар уюшмаси (Avrasya Yazarlar Birliği)га қарашли «Bengü» нашриётида чоп этилди.

Навоий вилояти

Ходима касб касалигига чалинган эди, аммо...



Ҳуқуқ

Яқинда Кармана туманида яшовчи Олия Пўлатова Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Унинг таъкидлашича, «Кармана ипак курти уруғи» масъулияти чекланган жамиятида узоқ йиллар ишлаш жараёнида касб касаллигига чалинган, 1993 йилда шифокорлар умрбод иккинчи гуруҳ ногиронлиги ҳужжатини тақдим этишган ва доимий мажбурий зарар тўловини белгилашган.

Аммо иш берувчи ҳеч қандай сабабсиз зарар тўловини тўхтаб қўйган. Натижада Олия Пўлатова 2022 йилнинг май ойидан 2023 йилнинг худди шу вақтига қадар бир сўм ҳам олмаган.

Мутахассислар томонидан мурожаат ўрганилди. Унга кўра, иш берувчи меҳнат қонунчилигига зид ҳаракатларни амалга оширгани исботланди.

Шундай қилиб, Олия Пўлатованинг ҳуқуқи тикланиб, унга сабабсиз тўланмаган 8 миллион 100 минг сўм миқдоридagi зарар тўлови ундириб берилди.

Махбуба ҚАМБАРОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Келгуси сонларда ўқинг...



Бахт бойликда эмас



Жавобини кутаётган саволлар



ЭНДИ МАШИНАЛАР НАРХИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Президентнинг «Аҳолининг энгил автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Маъмур қарор асосида двигатель ҳажми 1200 см. кубгача бўлган автомобиллар учун божхона ставкалари кескин камайирилгани, 1000 см. кубгача бўлганларига эса 0 фоизга туширилгани нархларга қандай таъсир қилади? Келинг, бунини аниқ мисоллар билан кўриб чиқамиз.

1000 см. куб ҳажмли автомобиль учун

Ушбу тоифага кирувчи бозор нархи 10 минг АҚШ доллари бўлган автомобилни мисол сифатида оламиз. Бунда қуйидаги мажбурий тўловлар мавжуд:

1. Божхона божи

Аввал: **1 900 АҚШ доллари** (15 фоиз + 0,4 АҚШ долл/куб см).
Ҳозир: **0 АҚШ доллари** (0 фоизга туширилди).
Фарқ: **1 900 АҚШ доллар.**

2. ҚҚС (12%)

Аввал: **1 428 доллар** (божхона божи қўшилган ҳисобланган)
Ҳозир: **1 200 доллар.**
Фарқ: **228 доллар.**

3. Утилизация йиғими (базавий ставканинг 30 баравари)

Тахминан **846 доллар** (9 млн. 900 минг сўм)

4. Божхона йиғими (0,2%)

Тахминан **20 доллар**

ЯКУНИЙ НАРХ:

Аввал: **14 минг 194 доллар.**
Ҳозир: **12 минг 066 доллар.**
Фарқ: **2 минг 128 доллар.**

Демак, двигатель ҳажми 1000 см. кубгача, нархи 10 минг АҚШ доллари бўлган автомобиль учун тўланадиган мажбурий тўловлар тахминан 2 минг 128 АҚШ долларига арзонлайди (ушбу ҳисоб-китобларда логистика нархи ҳисобга олинмаган).

17 ИЮНЬ –

Бутунжаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш куни

Она замин нола чекмасин!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Янги Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ҳали минтақа тарихида, қолаверса, жаҳон геосиёсий саҳнада жуда кўп ўзгаришларга сабабчи бўлган феномен сифатида, ўрганилиши, тадқиқ этилишига мен шаксан ишонман!

Жаноб Мирзиёев ҳукуматининг шаклланиш жараёнлари халқаро, минтақавий ва маҳаллий даражадаги турбулент – оластасир даврга тўғри келди. Хориж, айниқса, Ғарб таҳлилчиларининг 2016 йилнинг иккинчи ярмида «Мирзиёевга оғир иқтисодий ва сиёсий мерос қолди», деган назарий хулосаларидан ташқари, 2017 йилдан кейин жаҳонда ҳамда минтақада юз берган ўзгариш ва фавқулодий кечмишлар янги куч-ғайрат ва сиёсий зехинга етарли иш бошлаган янги таркибга етарли аҷиб ўнғайсилик туғдиригани, ўйланган ғоя ва ҳаракатлар режасини қайта кўриб чиқишга мажбур қилгани бор гап.

Масалан, жаҳон иқтисодий инқирози оёқламай 2020 йилда бошланган пандемия, 2021 йилда АҚШ ва НАТО кучларининг Афғонистондан олиб чиқирилиши, қолаверса, мамлакатимизда содир бўлган Сардоба техноген фалокати, Бухоро тўғони – буларнинг бари геосиёсий, геоиқтисодий ва маҳаллий тартиб-қоидалар оқимишни бошқа ўзганга суриб юборди.

Мамлакат гирдига солинган темир панжараларни синдириш, Ўзбекистонни очиқ мамлакатга айлантириш, айниқса, минтақа давлатлари билан музлатилган муносабатларига илиқлик киритишни ўз ташқи ва ички сиёсатининг лейтмотиви деб белгиланган Шавкат Мирзиёев учун бу машаққатли синов эди. Аммо бугун худди кино ўтмасидек кўз олдимиздан ўтадиган ўша кунлар ўз хайрли хотимаси билан мазкур тарихий сюжетнинг қийматини янада оширганга гувоҳ бўлиш одамда ўзгача бешқ уйғотди.

Шавкат Мирзиёев ўз иродаси билан мамлакатни «қалтис силтама»дан нафақат олиб чиқди, балки минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига маълум ўзгаришлар кирита олди.

Табиятан қайсар ва ўйлаган ғоясидан қайтмайдиغان бу одамнинг ўзи, атрофидоги жамоаси ва сиёсий таҳлилчилар унинг ўтган қисқа вақтда қандай тарихий янгиликни қилганини, минтақа теграсидаги геосиёсий иқлимни қандай ўзгариш юборганини ҳали тўла ҳис қилишмайди, назаримда. Чунки қизғин давру ситам ҳам бахту ғалаба ҳам бор бўйича кўзга ташланмайд.

ТОЖИКИСТОН РАҲБАРИ ҚАРИЙБ 20 ЙИЛЛИК «СУКУТ»ДАН СЎНГ 2018 ЙИЛНИНГ АВГУСТИДА ИЛК БОР ТОШКЕНТГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КЕЛДИ. ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА ҲАТТО МУАММОЛАРИ ҲАМ БИТТА БЎЛГАН ИККИ ҚЎШНИ ХАЛҚ ХУДДИ СОВУҚ УРУШ ҲОЛАТИГА КИРГАН ДАВЛАТЛАРДЕК БИР-БИРИГА ТЕСКАРИ ҚАРАБ ЯШАДИ. ҲОЛБУКИ, БУ ХАЛҚЛАРНИНГ АЖДОДЛАРИ МИНГ ЙИЛЛАР КЎНИ-КЎШНИ ЯШАШГАН, ҚИЗ ОЛИБ, ҚИЗ БЕРГАН, ҚУДА-АНДАЧИЛИК, ҚАРИНДОШЛИК РИШАЛАРИ БИР-БИРИГА БОҒЛАНИБ, ЭТ БИЛАН ТИРНОҚДАЙ ҚАПИШИБ КЕТГАН ЭДИ...

ридан тарқалаётган хабарлар: мина портлашлари оқибатида ҳалок бўлганлар ва ярадор бўлаётганларнинг кулфатли рўйхати ўсиб бормоқда. Исфара, Ашт, Панжакент, Уратепа, Фончи, яна Исфара... биргина Исфара районидан кейинги ярим йилда беш ёки олти марта фожиа юз

берди. Бир неча киши – аёллар, болалар, йигитлар ҳалок, ўнлаб одамлар ярадор бўлди. Нега шундай бўлмоқда? Ким айбдор бунга?».

Албатта, бу оғир саволлар оддий одамлар бошига тушган мусибат кўламини ёрқинроқ кўрсата олади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Тожикистондаги нотинчликлар сабаб миналанган чегаранинг тоғ худуди, таассуфи, тўполонлар тинчигач ҳам тозаланмади. Ҳуёки ҳамма бирдан буни унутди. Оқибатда ўнлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган ушбу сиёсий акт худдики ўзбек-тожик муносабатларининг салбий характери тимсоли сифатида тарихга кирди.

Албатта, тарих саҳифалари доим оқ ва беғидир бўлмаган. Лекин мезоннинг донишмандлиги шундаки, хатоларни англаш ва уни тузатиш учун унинг ўзи саҳнага муносиб шахсларни олиб чиққан. Бу гал ҳам шундай бўлди. 2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг иқтидорига қилиши икки қардош халқ ва давлат ўртасидаги алоқаларга илиқлик олиб кирди. Чегаралар очиқди, миналардан тозаланди. Бу воқеаларни Тожикистон миллий университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Қобилжон Хушвахтзода 2020 йил «Халқ сўзи» газетасида чиққан мақолада шундай эътибор қилди:

«Ил бошида мамлакатларимиз расмийлари Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегараларга ўрнатилган миналар бутунлай тозалангани эълон қилди. Оддий тожикистонликлар, айниқса, Ўзбекистон билан чегарада яшаётган кишилар чегаралар минадан тозалангани ҳақидаги хабарни кувонч билан кутиб олишди. Чегарадаги инсон ҳалокатига сабаб бўлган дастлабки мина портлаши Исфарада, 2000 йилнинг 29 августидан юз берган. Бу портлаш натижасида Ўзбекистоннинг Бешарик тумани билан чегарадош Қизилпиллол қишлоғида яшайдиган икки аёл ва икки қизалоқ ҳалок бўлди. Бир аёл ва яна бир қизалоқ вранланди.

Қизилпиллолдан сўнг Исфаранинг Лакон, Офтобрў, Кулкен, Чилози, Нефтобод каби аҳоли масканларида, Шимолӣ Тожикистоннинг Ашт, Конибодом, Панжакент, Шахристон туманларида яшайдиган кишилар ҳам қурбон бўлишди. Мина қурбонларидан бирортаси на террорчи, на бангивор модда ташувчи бўлган. Бири мол боқиб юрган, бири равоч териш учун тоққа чиққан э Ўзбекистон томонида яшайдиган қариндошларини кўриб келишга отланган оддий одамлар бўлишган... Хайрият, бу кунлар ўтиб кетди...».

Матбуотимизда деярли тилга олинмаган, бугун худди оддий ишдек эслаб ўтиб кетиладиган, аслида юзлаб одамларнинг жонини сарф қилишга, минглаб оила-ларни аламли кулфат домидан қутқариб олишга қаратилган ушбу қарорни қабул қилиш шунчалик жўн ишми? Эътибор қилинг, Тожикистон раҳбари қарийб 20 йиллик «сукут»дан сўнг 2018 йилнинг августда илк бор Тошкентга давлат ташрифи билан келди. Тарихи, маданияти ва ҳатто муаммолари ҳам битта бўлган икки қўшни халқ худди совуқ уруш ҳолатига кирган давлатлардек бир-бирига тескари қараб яшади. Ҳолбуки, бу халқларнинг аجدодлари минг йиллар кўни-кўшни бўлиб, яшаган, қиз олиб, қиз беришган, қуда-андачилик, қариндошлик ришатлари бир-бирига боғланиб, эт билан тирноқдай қапишиб кетган эди...

Таассуфи, тожик-ўзбек халқлари ҳаётининг яқин ўтмишидан юлиб олинган ушбу лавҳа минтақадаги барча давлатлар билан бўлган муносабатларга жуда уйқаш эди. Гарчи Қозоғистон ёки Қирғизистон билан чегараларимиз ёки чегараолди худудларимиз миналанмаган бўлса-да, қўшнилар билан алоқалар ҳаминқадар, чегаралар ёпиқ эди. Шундай замонлар бўлдики, қўшни давлатга чиқиш бошқа бир хориж мамлакатига чиқишдан мураккаброқ бўлиб қолди. Албатта, қўшнилар ўртасидаги бундай элитар сиёсат миллий жамиятларга, одамлар руҳиятига ҳам таъсир қилди. Минтақавий миллатчилик авж олиб кетмаган бўлса-да, халқларимиз орасида «сеники-меники», «биз ҳаммадан кўра минтақа умуммеросига муносиброқми» ёки «бу ерларнинг ҳақиқий

эгаси аслида бизмиз», деганга ўхшаш радикал ва келажагимиз учун ўта хавfli бўлган хомхаёл концепцияларнинг болашига замин яратди.

Ҳайратланарлики шундаки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон нафақат дунё, қолаверса, минтақа учун ҳам деярли ёпилган ўша даврда саҳнага келди ва асосий қиладиган биринчи иши қўшни давлатлар билан алоқаларни тиклаш ва узоқ йиллардан буён метин бўлиб кетган музни эритиш эканини баралла эълон қилди. Аммо бу нафақат қийин, балки ўта мураккаб иш эди. Шунинг учун бу даъватга «сиёсий эҳтирос» деб қараганлар, иккиланганлар ҳам кўп бўлди.

Очиғи, Шавкат Мирзиёевга ишонмаган таҳлилчи сиёсатчиларнинг қўларидан бакуват асослари, факлари бор эди. Жумладан, 10 йилдан ортқ вақт давом этган «мудроқ» интеграция даврида оммавий ахборот воситалари, таҳлилчи ва минтақа ҳаёти билан шуғулланувчи сиёсатчилар Марказий Осиё мамлакатлари орасида сув, чегара, этник ва бошқа мижозларнинг аломатлари тўғрисида кўп ёзишди. Совет тизимидан мерос бўлиб қолган ва мустақилликнинг ўтган ўттиз йилга яқин даврида ҳал этилмаган чегаралар делимитацияси муаммоси, ҳақиқатан ҳам, давлатлар ва халқларни бир-биридан беғоналаштиришга, орада кутку чиқаришга яшиғина асос ролини ўйнаши мумкин эди.

Қолаверса, тадқиқотчиларнинг аксарияти бугунгача Марказий Осиёдаги интеграция ва регионализация барбод бўлганининг муҳим далили сифатида Фарғона водийсидаги чегаралар муаммолари ҳал этилмаганини келтиришарди.

Минтақа давлатлари ва халқларининг умумий ўхшашлиғини фақат тил ва маданият, урф-одатлар, чопон-дўппи ёки миллий таомлар – ош, шўрва, палов, бешбармоқгина белгилайди, дегувчилар бироз адашган бўлади. Шу ўринда буларга қўшимча равишда уларнинг муаммолари, орзу-армонлари ҳам яқрагн эка-нани айтсақ, тўғрироқ бўлади.

Шавкат Мирзиёев айнан шу – анчадан буён тоқдада турган, образли қилиб айтганда, ечимни чўнг бир сиёсий ирода талаб қиладиган муаммони жойидан қўзғатди: чегара, сув ҳавзалари, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш каби кенгашибгина ечим мумкин бўлган масалаларни ҳал этишга киришди.

Кўпчилик «Ўзбекистон ўша пайларда ёпиқ сиёсат юритган бўлса бордир, аммо бошқа тўрт давлатнинг қўлини ушлаб турган эмасди-ку, нима учун бугунги илқлашуви жараёнларига Ўзбекистонни кўпроқ сабабчи қилиб кўрсатасиз?» дейиши мумкин ва бу гапларда асос ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон гарчи қўшилари билан совуқ муносабат олиб борган бўлса-да, аслида бошқаларнинг эркини боғламагани бор гап.

Аммо гап шундаки, Ўзбекистон минтақанинг энг кўп нуфусга эга, геоиқтисодий ва геосиёсий жиҳатдан хийла бақувват, деб кўриладиган икки давлатидан бири. Қолаверса, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган мамлакатимиз барча қўшнilar билан (ҳатто, Афғонистон билан ҳам) чегарага эга. Албатта, бундай устулик унинг мавқеини ҳам, макомини ҳам анча юқори кўтаради. Фақат иккинчи раҳбариятнинг биринчисидан фарқи шунда эдики, у бу қудрат ва устуликдан

атрофдагиларни эгилтиришда, «попугини пасайтириб қўйиш»да фойдаланишга ҳаракат қилмади, балки очиқ кўзга кўришиб турган муаммоларни ҳал этиш ва дўстлик, қардошлик алоқаларига янги туртки беришга йўналтирди.

2017 йилда Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон билан чегара пунктларининг очилиши узоқ йиллик узил-кирилдан сўнг минтақа артериясидаги тикилни юлиб олди. Илқлашуви ва самимий алоқалар нафақат одамлар қайфиятида, балки иқтисодиёт ва сиёсатда ҳам балқиб кўрина бошлади. Бу Шавкат Миромонович сиёсатининг ҳаётбахш импулси эди. Айни шу кезларда бошида ишонмаган, иккиланган таҳлил марказлари энди минтақа атрофидоги интеграция ва регионализация ҳақида турли башоратлар бера бошлади.

Шуни алоҳида урғу бериб айтиш кераки, бугун Ўзбекистоннинг қўшилари билан чегара бўйича деярли муаммоси қолган эмас. Атиги олти йил ичида бу – ўттиз йилдан буён судралиб келётган муаммо, айтиш керак бўлса, энг жиддий сиёсий, этник ва яна қўшнilarни бир-биридан беғоналаштириб туришига асосий сабаб ўлароқ кўриладиган масаланинг ҳал этилиши оддий иш эмас.

Шу йил 27 январь кун Бишкекдаги «Ала-Арча» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг тор ва кенгайтирилган доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортқ икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Жумладан, Жиззах вилояти билан Ис-сиққўл вилояти, Андижон вилояти билан Ўш вилояти, Фарғона билан Боткен вилояти ҳамда Наманган вилояти билан Жалолобод вилояти ўртасида кенкорликни кенгайтириш бўйича комплекс дастурлар қабул қилинди.

Бундай узун жумлалар тузиш ва икки давлат маъмурий бирликларини қалаштириб санашимизнинг, албатта, сабаби бор. Сабаби, Ўзбекистон ва Қирғизистон мустақилликнинг ўтган 30 йилда кўп-кўп кўнглисизликларни бошидан кечиришга мажбур бўлди. Ихтилофлар этник, сув ва чегара муаммолари ортдан чиққанини барчамиз яхши биламиз. Ушбу учрашувда икки давлат Президентларининг қўшнчиллик муносабатларини расмий, элитар сиёсатдан қуйроққа туширишдан кўзланган мақсад, биринчидан, халқ дипломатиясига кўпроқ урғу бериш бўлса, иккинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш, иқтисодни ҳаракатга келтириш, қолаверса, қўшнilar ўртасидаги тинган муносабатни тиклаш эди, десак, янглиш

маган бўлади. «Ала-Арча» учрашувида яна бир тарихий қарор – икки давлат ўртасидаги чегаралар делимитациясини ҳал этиш бўйича қарор қабул қилинди. «Биз ҳар бир масалани ҳар томонлама пухта, шовилмасдан кўриб чиқдик. Ва бизда энди ҳеч қандай муаммоли саволлар йўқ. Қирғизистон ва Ўзбекистон мустақилликнинг 31 йили давомида тарихида биринчи марта бундай даражадаги муносабатларга эришди», – деди Ўзбекистон раҳбари ўз баёнотида. Шавкат Мирзиёев чегара масаласини эрта ҳал қиламиз, индин ҳал қиламиз, дейиш билан орадан ўттиз йил ўтиб кетганини ва

ниҳоят бугун ушбу муҳим ҳужжат имзоланганини айтиш ҳамда бунинг учун Қирғизистон раҳбарига ташаккур билдирди.

Ўз навбатида, Садир Жапаров ҳам Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатларининг янги тўққинини тарихий воқеа, деб атади: «Қирғизистон қардош Ўзбекистон билан яхши қўшнчиллик руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Биз учун Ўзбекистон ҳақиқий дўст ва ишончли стратегик шерикдир. Бугун биз қирғиз-ўзбек чегарасини делимитация қилишни ақунлайемиз. Бу, ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеа... Ишончнинг қомилки, чегаралар масаласига чек қўйиб, биз келажақ авлодларимиз камолотига мустаҳкам пойдевор қўямиз. Муҳтарам Шавкат Миромонович, қирғиз-ўзбек чегарасини делимитация қилиш бўйича муҳим масалаларни ҳал этишда Сизнинг беқиём ҳассангиз борлигини қайд этмоқчиман...».

Очиғи, бундай самимий муносабатлар ва халқларимизнинг тинч-осуда яшашлари учун гаров вазифасини ўтовчи келишувларга эришиш хамирдан қил суғургандай силлиқ битадиган иш эмаслигини барчамиз яхши биламиз. Қирғизистон билан муносабатларининг илқлашуви ҳақида гапирганда, албатта, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилишига старт берилганини ҳам алоҳида эслаш жоиз. Фақат масала мавзу жиҳатидан ўзгачароқ бўлгани учун уни кейинроққа қолдирамиз.

Юқорида эслганимиздек, кўп сиёсатчилар Марказий Осиёдаги минтақавий интеграцияга назария сифатида ҳам ишончсизлик билан қараган ва бунга ҳали санаган омиллардан ташқари, минтақанинг жүғрофий номи узоқ йиллар – Ўрта Осиё ва Қозоғистон, деб аталгани, қолаверса, ушбу икки давлат тараққийёт векторлари турличалигини сабаб қилиб келтиришган. Тўғрисики айтганда, ён қўшнilar 90-йиллар бошида минтақанинг номини ўзгартиргандан кейин ҳам ушбу янги атама фақат тадқиқотчилар учун геосиёсий бир макон нуктаи назаридан эсланди, холос. Амалий жиҳатдан тарихда Туркистон ўлкаси, деб аталган худудда янгидан пайдо бўлган постсовет миллий республикалар ўртасида ижобий яқинликдан кўра кўпроқ бўлиниш тенденциясини кўрдик. Масалан, бундан йўл иллар илгари ҳам Қозоғистон ўзини Марказий Осиёдан кўра кўпроқ Евроосиё мамлакатини деб аташни хуш кўришини сезиш қийин эмасди. Юқорида эслганимиз Қирғизистоннинг ҳам, Тожикистоннинг ҳам умумминтақа борасидаги ўй-хаёллари ўта скептик эди. Ва бу манзара таҳлилчиларнинг қўшнilarнинг яқдиллаша олмаслиги ҳақидаги башоратларини гўёки қўллаб турадигандай эди. Бироқ Тошкент – Остона алоқаларининг янги тўққини йил тизисларининг пуч эканини кўрсатди. Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий сиёсатида Қозоғистон асосий нукта эди, десак тўғри бўлади. Негаки, минтақа бирикүвида шу икки мамлакат локомотив вазифасини ўтагани деярли барча сиёсатчилар бирдек эътироф этишади ва бу тўғри ҳамдир.

2016 йилда бошланган ўзбек-қозоқ муносабатларининг янги тарихи 2022 йилга келиб ўзининг олӣ нуктасига етди. Айни шу йилнинг 21-22 декабрь кунлари Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Айтиш мумкин бўлса, ушбу ташриф ва учрашув нафақат минтақанинг икки етакчи давлати ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки Марказий Осиё деб аталувчи минтақа тақдирини ҳам муҳим бурилди ясади.

Жумладан, ўша кунлари икки давлат ўртасида «иттифоқдошлик муносабатлари тўғрисида» битим имзоланди. Халқаро кузатувчилар ва таҳлил марказлари томонидан «тарихий» деб баҳоланган мазкур битим нафақат икки давлат ҳамкорлик даражасини белгилгани, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликнинг муҳим



«Аёллар дафтари»ни барақлаганда...

Ёзининг иссиқ куни. Ҳовлидаги дарахт соясида ўтирдим. Қизим Нилуфар дилбандлари Баҳорой ва Ҳосилахон билан келиб қолди. Учининг ҳам кайфияти яхши. — Набирангиз Баҳорой 10-синфни, Ҳосила саккизинчини аёло баҳорларга тамомлади. Ҳозир иккаласи репетитордан қўшимча сабоқ олишяпти, шифокор бўлишмоқчи, — деди Нилуфар кўтаринки кайфиятда. Хушxabардан суюндим. Баҳор ва Ҳосиланинг мўтолага меҳр қўйишганини билардим. Яна эсли-хушли бўлиб, ота-онанинг юмушларига қўмаклашиши дилимни шод этарди. Уларнинг энг савобли касбни танлашаётганини эшитиб, бир қувончим ўн қувонч бўлди. Дилбандларимнинг гулгун чеҳрасига боқиб, ўзимнинг ҳам болалик, ёшлик йилларим ёдимга түшди.



ДИЛБАНДИМ, ГЎЗАЛ ЗАМОНГА БОҚ...

...Ўтган асрнинг 70-йиллари. Биз ўқийдиган мактаб саккиз йиллик бўлиб, ўғил болалар 9-10 синфда тахсил олиш учун туман марказига қатнардик. Қизлар эса ўқишни шу жойда тўхатишга мажбур эди. Бирор бир касбни эгаллаш ҳақида айтмасам ҳам бўлади. Турмушга чиқиб, бир этак бола кўриш, иш кўплигидан уларга меҳр ҳам беролмай, пахта даласида эрта тонгдан қоронғу тушгунча меҳнат қилиш — ўша замон хотин-қизларининг пешонасидаги битик эди. Мен ўқишга жуда қизиқардим. Аммо иложсизликдан изтиробга тушардим. Шу изтироб қўлимга қалам олишга ундади. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига мактуб ёздим: «Биз колхозчиликдан бошқа касбни танлай олмаёямиз. Ёрдам беринг! Мактабимизнинг 10 йиллик бў-

лишини истаймиз. Биз ҳам яхши ўқишларда ўқийлик. Бизни колхозчиликдан кутқаринг...». Хатга ўзимдан ташқари яна уч-тўрт дугонам имзо қўйди. Хатжилдга манзилни ёздим-да, жўнатиб юбордим. Орадан вақт ўтди. Бир куни қоқ тушда бизнига бир гуруҳ одам келди. — Қизим, сени сўраб келишибди, — деди отам. — Нима иш қилганинг? Хат ёзганим ёдимдан кўтарилганди, «Ҳеч нарса қилганим йўқ», дедим. Чиқсам, колхоз раисининг хизмат машинаси олдида 5-6 киши турибди. Мактабимиз директори, хўжалик раиси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси (у ўзини шундай таништирди), туман масъуллари келган экан. — Қизим, бу ёққа кел-чи, — деди вилоятдан келган хотин-қизлар кўмитаси раиси. — Тошкентга хат ёзганимнинг?

Қашқадарё вилояти

— Ҳа, ёзганим. — Нима деб ёзганинг? — Мактабимиз таълимини 10 йиллик қилишда ёрдам сўраганим. Мени туман марказига олиб кетишди. Туман раҳбари ҳам хат ҳақида сўради. Ҳаммасини айтиб бердим. Раҳбар мактаб директори «Буларни Қаршига олиб бориб, ўқишга жойлаштириб келасан. Ҳамма шароитларини тўғрилаб берасан», деди. Хуллас, мен ва икки дугонам Қарши педагогика билим юртига бордик. Мактабимиз директори бир ҳафта шу ерда бўлиб, бизни билим юртига жойлаштирди. Ўқимизга қарши бўлгани учун то январь ойигача отамдан кўрқиб, уйга боролмадим. Қишлоққа келгач, уйга боришга чўчидим. Дугонаникига бордим. Дугонанинг бувиси мени

етақлаб, уйимизга олиб борди. Уйга кирдик. Отам кириб келди. Салом бердим, аммо олдида боролмадим. Падарим бир қаради-да, ташқарига чиқиб кетди. Онам, энам, дугонанинг бувиси — ҳамма отамнинг уйга қайтиб киришини кўтиб ўтиришарди. Бироздан сўнг отам келди ва биринчи айтган гапи шу бўлди: — Қорни очдир, гўшт-пўшт қовуриб беринглар. Ана шунда ота-онанинг фарзандга меҳри нақадар чексизлигини ҳис этдим. Қиблагўҳим менга «Қизим, ўқиётганинг яхши. Фақат юзимни ерга қаратма» деди. Таътилни уйда ўтказдим. Таътил тугагач, отам қўлимга пул бериб, ўзи Қаршининг автобусига чиқариб юборди. Оқ фотиҳа берди.

Таққос

Мен билан бирга борган икки дугонам ўқишни давом эттиришолмади. Таътилда турмушга чиқишганди, эрлари рухсат беришмади. Уч йил ўқидим. «Тарбиячи — ўқитувчи» мутахассислигини эгаллаб, қишлоққа қайтдим. Келганимдан сўнг хўжаликда «Гуллола» болалар боғчаси очилди. Шунга мудира этиб тайинлашди. Янги муассасада ишни йўлга қўйдим. Билим юртини тугата олмаган дугоналаримни ҳам тарбиячи қилиб ишга олдим. Бу орада турмушга чиқдим. Бирин-кетин фарзандларим туғилди, беш ўғил, икки қиз. Болаларимни улғайтиришда қайнонам раҳматли катта ёрдам берган.

Ўн йилдан ошқ боғчада ишладим. Кейин икки йил «бригадир»лик қилдим. Сўнг хўжалик раисига муовин бўлдим. 1985 йилдан 2002 йилгача «Дам» фуқаролар йиғинига раислик қилдим. 2002 йилдан 2017 йилгача «Паканди» маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар фаоли бўлиб фаолият юритдим.

Ўша даврда эрталабдан кечгача қишлоқма-қишлоқ, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан мулоқотда бўлардик. Жанжалли оилаларни яраштириб, кўп ажримларнинг олдини олганмиз. Халигача ўша оилалар вакиллари билан кўришиб қолсам, миннатдорлик изҳор қилишади.

Қизларим Гулжаҳон ва Нилуфар педагогика марказида ўқиди. Улар бахтли оилаларнинг бекалари. Ўғилларимнинг барчаси бугун жамиятда ўз ўрнини топган.

Бугун мамлакатимизда таълимга катта эътибор қаратиляпти. Хотин-қизларга олиб ўқув юрларида ўқиш, касб-хунар эгаллаш учун қатор имтиёзлар жорий этиляпти. Кўпни кўрган онахон сифатида хотин-қизларни илмли, хунарли қилиш йўлидаги бу ҳаётбахш ҳаракатлардан мудом қувонман, шукроналар айтаман.

Муқаддам ҚУРБОНОВА

Чироқчи тумани
Паканди қишлоғи

Самарқанд вилояти

Бекорчи эдим. «Қўл калта»лиги туфайли бирор ишининг этагини тутолмадим. Оиладаги етишмовчиликлардан эзилган кунларим кўп бўлди.

Ишчи гуруҳ хонадонимизда бўлганида кўнглимда чироқ ёнди. Улар мени «Аёл-

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

лар дафтари»га киритишиб, 30 миллион сўм миқдорида кредит олишимга қўмаклашди. Нон маҳсулотлари ва турли пишириқлар тайёрлашга ихтисослашган цех фаолиятини йўлга қўйдим.

Дастлаб икки нафар ишсиз аёлни қўмакка чорладим. Ҳаракатларимиз зое кетмади, ўз миқдорларимизга эга бўлдик. Айни пайтда

ҳамқишлоқ тўрт нафар аёлни иш билан банд қилганман. Уларга тегишли тарзда маош белгиланган. Ишлаб чиқаришдан орттирган даромадимизни қўшимча асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтиряпмиз. Муддао ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга қаратилган. Хурматли «Ishonch» газетаси жамоаси.

Бошимдан ўтганини ёзиб юборяпман. Газетада чоп этсангизлар, интилганга толе ёр деганларидек, бу тadbиркорлик қиламан деб, лекин иккилашиб турган қайси бир аёлга туртки вазифасини ўтаса, нур устига нур бўлар эди...

Дил сўзи

Мадина БОҚИЕВА

Пайариқ тумани
«Бешқўрғон» маҳалласи



Наргиза Ҳасанова ҳарна рўзгорга даромад бўлсин деб таниш сартарошга шогирд түшди. Сўнг ижарага жой олди. Лекин шароит жудаям кўнғилдагидек эмас, боз устига малакаси ҳам етарли даражада эмасди. Дастмоя бўлмасам ҳам қийин экан. Боши қотиб турган бир пайтда маҳалла хотин-қизлар фаоли Холисон Биболоева уни йўқлади. Шундан кейин ҳаммаси изига түшиб кетди.

НАРГИЗАНИНГ ИШХОНАСИ

Наргиза «Аёллар дафтари»га киритилди. Мономарказда уч ой стипендия олиб ўқиб, хунар эгаси бўлди. Энди унга муносиб иш жойи керак эди. Касаба уюшмалари Федерацияси енгил конструкцияли «Аёллар гўзаллик салони»ни қуриб, тўла жиҳозлаб, унинг ихтиёрига берганида кўзларига ишон-

мади. Гулистон туманидаги «Олтин водий» маҳалласида жойлашган бу салон бугунги кунда анчайин гавжум. Бу ерни кўпчилик «Наргизанинг ишхонаси» дейдиган бўлган. Наргизанинг ёнига маҳалла йўлланмаси билан ўқитилиб, касбий кўникмалар олиб келган ёшлардан Болбувиш

Бойжигитова, Нозима Бекболоева ҳам ишга жойлаштирилди. Энди улар аёлларга малакали хизмат кўрсатишмоқда. — Яратиб берилган шароит ва ғамхўрликдан бехад миннатдорман, — дейди Наргиза Ҳасанова. — Уйим иш жойимга яқин. Уй ишларимни бажаришга, фарзандим билан шуғуллан-

Мамнуният

нишга вақтим бор. Авваллари қишлоғимизда хизмат кўрсатишнинг бу тури йўқ эди. Ҳамқишлоқларимиз ҳам хурсанд.

Ҳа, аёл ўзи яхши кўрган касб-хунари билан шуғулланса, ҳалол меҳнати билан ризқ топса, уйда рўшнолик, барака, кўнғилда хотиржамлик бўлади. «Аёллар дафтари» минглаб Наргизаларга ана шу ҳаловатни берапти.

Алижон МАМАРАСУЛОВ,

Касаба уюшмалари Федерациясидан «Аёллар дафтари» бўйича туманга бириктирилган вакил

Коинотга тижорий парвозлар



Британиялик миллиардер Ричард Брэнсоннинг Virgin Galactic Америка аэрокосмик компанияси июнь ойи охирида тижорий космик парвозни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Компания баёнотида таъкидланишича, биринчи парвоз микрогравитация билан боғлиқ илмий тадқиқотларга йўналтирилади. Дебют миссия доирасида Италия ҳарбий-ҳаво кучлари ва мамлакат миллий тадқиқот кенгашининг уч нафар вакили коинотга учади. Август ойи бошида хусусий астронавтлар коинотга парвоз қилишади. Кейинги рейслар ҳар ой амалга оширилади.

Базавий фоиз ставкалари ошди

Европа Марказий банки (ЕМБ) юқори инфляцияга қарши курашда базавий фоиз ставкаларини яна 0,25 фоизга оширди.

dw.comнинг хабар беришича, тижорат банклари ЕМБдан қарз олиши мумкин бўлган асосий ставка 4 фоизга, депозитлар бўйича базавий ставка эса 3,5 фоизгача кўтарилган.



Оламда

Набутарни ўлдирганликда гумонланмоқда

Гонконг полицияси 58 ёшли аёлни ҳибсга олди. У набутарни ўлдирганликда гумонланган, дея хабар берди «South China Morning Post» нашри.

Йўловчилардан бири жувон набутарни ерга ирқитгани ҳақида хабар бергач, полициячилар куш жасадини турар-жой мажмуаси яқинидан топган. Дастлабки суриштирувдан кейин жониворга шафқатсизлик қилгани учун гумонланувчи қамоққа олинган. Мазкур орол қонунчилигига кўра, жониворга бешафқат муносабат учун энг кескин жазо сифатида 200 минг доллар жарима ёки уч йил озодликдан маҳрум этиш белгиланган.





Фаргона вилояти

Фурқат туманида яшовчи Гўзалхон Қўзиева хонадонма-хонадон ўрганишлар давомида кўмакка муҳтожлиги сабаб «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Ишчи гуруҳ билан сўхбатда Гўзалхон опа турли ширинликлар тайёрлаш қўлидан келишини, агар озгина сармога бўлса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишини айтди. Ишчи гуруҳнинг кўмаги билан унга банк томонидан 19 миллион сўм кредит ажратиб берилди.

– Кўнглимга тугиб юрган истагим ҳеч қанча вақт ўтмай ижобат топди. Банкдан олинган маблағ эвазига керакли жиҳозларни сотиб олиб, қандолатчилик фаолиятини йўлга қўйдим, – дейди Гўзалхон Қўзиева. – Ишни дастлаб 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошладим. Маҳсулот сифатли бўлса, хариддорларнинг ўзи оқиб келаверар экан. Кундан-кунга буюртмачилар сони ошиб бораверди. Шунда ишчи кучига эҳтиёж сездим. Маҳалламизда хунар ўрганиш истагида бўлган аёлларни шогирдликка олдим. Ҳозир 30 хилдан ортиқ пишириқ тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераймиз. Аини пайтда цехимизда 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган.

Ишчи гуруҳ тугайли Солиҳа Холиқованинг ҳам хонадонига фойз кирди. Ёлғиз ўзи икки фарзандни воғга етказётган аёлнинг ҳасратларига қулоқ тутилди. Ўрганишлардан сўнг у ҳам «Аёллар дафтари»дан жой олди.

Фаолият

ОРЗУЛАР РЎЎБИГА ЙЎЛ

Унга рўзғорини бут қилиши, доимий даромадга эга бўлиши учун янги тикув машинаси берилди.

– Ғамхўрликдан бошим осмонга етди, – дейди Солиҳа Холиқова. – Энди янги тикув машинасида буюртмалар олиб, рўзғор тебратишим мумкин. Қолаверса, таҳсил олаётган фарзандимнинг таъминлаб келаётганини ҳам шу даромадимдан тўлайман.

Ҳаёти яхши томонга ўзгариб, ўзининг ва бошқалар бандлигини таъминлаб келаётганлар ҳақида мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Асосийси, улар давлатимизнинг бу каби ғамхўрлиги ва эътиборидан мамнун.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

«Аёллар дафтари»ни барақлаганда...



Сурхондарё вилояти

Термиз туманида «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичида 2500 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилган ва шу кунга қадар 1250 нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилган.

Кўмак

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Энг муҳими, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1369 нафар ишсиз хотин-қиздан 739 нафарининг бандлигини таъминлашга эришдик. Жумладан, 102 нафари доимий ишга, 53 нафари вақтинчалик жамоат ишларига жалб қилинди. 29 нафари касб-хунарга ўқитилди. 27 нафарига эса «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратилиб, тикув машиналари олиб берилди. 8 нафар аёлга имтиёзли кредит ажратилди.

«Янгиобод» маҳалласида яшовчи Соҳиба Хўжақуллова «Строй маркет сурхон» МЧЖга, Қизиларсара Тўраева, «GOLD DRIED FRUITS EXPORT», «Халқобод» маҳалласида яшовчи Шаҳло Омонова ва Муҳайё Норқобилова «SPN HUMARGO» хусусий корхонасига, «Янгиҳаёт» маҳалласида яшовчи Бибиҳол Мамедова ва Фотима Оқмуродова «ЭКОТЕХ» маъсулияти чекланган жамиятига муқим ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорлик қилишда амалий ёрдам сўраган 190 нафар аёлнинг 80 нафарига 1 миллиард 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашилди. «Аёллар дафтари»га киритилган 366 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжман хотин-қизнинг 157 нафарига 139 миллион сўмдан ортиқ бир марталик моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Ижтимоий ёрдам ва ўзгалар кўмагига муҳтож, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тиббий муолажага эҳтиёжман хотин-қизларнинг 309 нафари рўйхатга олинган. Уларнинг 151 нафарига 123 миллион 400 минг сўмлик моддий ва тиббий ёрдам кўрсатилди. 3 нафар аёлга уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди.

Термиз тумани ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи уй-жойга муҳтож 10 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилиб, уларнинг бир нафарига хонадон ажратилди. Қолган 9 нафарига эса ижара компенсация пуллари тўлаб берилди.

Ногиронлиги бор фарзандларни воғга етказётган 256 нафар аёлга беминнат моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Уларнинг 107 нафарига бир марталик моддий ёрдам пуллари берилди. Айримларига ногиронлик арава-чалари ажратилди. Баъзилари соғлиқларини тиклаши учун шифохоналарга ётқизилди.

Туманда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун етарлича шaroитлар бор ва бу аёлларнинг даромадларини кўпайтиришга замин яратади.

Абдуҳамид ҚЎЗИМУРОДОВ,

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси



Наманган вилояти

Таҳлил

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида кўзга кўринарли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

46 МИНГ МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Наманган вилояти бўйича 81 минг нафардан зиёд хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, улардан 46 минг нафарининг муаммолари ўрганилиб, ҳал этилди.

Шу ўринда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар иш билан таъминланди, тадбиркорлик қилиш истагида юрганларга банкдан кредит олишга ёрдам берилди, боқувчиси йўқ, эҳтиёжман, ногиронлиги бор ҳамда қарамоғида ногирон фарзанди бўлган аёлларга моддий ёрдамлар ажратилди.

Хотин-қизлар орасида дафтарга киритилган яна бир қатлам борки, улар уй-жойга эҳтиёжман аёллардир. Вилоятда 305 нафар ана шундай хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, улардан 110 нафарига уй берилди.

Норин туманидаги Навоий маҳалласида яшовчи Гулбахор Давлатова уй-жойга муҳтожлар сафида эди. Турмуш ўртоғидан айрилган, воғга етмаган икки нафар фарзанди билан шу кунга қадар уйсиз юрган бу аёлга барча шароитларга эга бўлган кўп қаватли уйлардан янги хонадон калити топширилди. Бугун ундан бахтиёр инсон бўлмаса керак. Боиси, энди унинг бошпанаси бор, фарзандлари ўз уйида эмин-эркин яйраб яшамоқда.

– Ҳар кунингга шукрона келтириб, ҳалол меҳнат билан яшасанг, бир кун келиб ниятларинг амалга ошар экан, – дейди Гулбахор опа. – Менинг бугун ўз уйим бор. Уй-жойга муҳтожлигим инobatга олинди, «Аёллар дафтари»га киритилганимдаёқ яхши кунлар яқинлигини кўнглим сезган эди.

Норин туманининг «Сузоқовул» маҳалласида яшовчи Гулчехра Тожибоева ҳам янги хонадонга эга бўлган аёллардан бири. Турмуш ўртоғидан ажрашган, бир нафар фарзанди билан ногирон отасига ёлғиз ўзи ғамхўрлик қилиб келаётган бу аёлнинг ҳам орзулари ушалди.

Бугун вилоятда Гулбахор Давлатова, Гулчехра Тожибоева сингари ҳаётдан рози опа-сингилларимиз сафи кун сайин ортиб бораётгани юртимизда инсон омили ҳамма нарсадан устунлигидан далolat беради.

Орзуғул РУСТАМОВА «ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

Эътибор

«ҲАЁТИМИЗГА НУР ИНМОҚДА»

Хўжайли туманидаги «Шағала қўл» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шарофат Юлдашева хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликни бошлаган қўли гўл тикувчилардан бири.

2022 йил бошида 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, тикув машиналари харид қилган Шарофат 20 тадан зиёд янги иш ўрни яратишга эришди. У маҳоратли тикувчи эмасми, қозоғистонлик буюртмачилар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Миллийликни замонавийлик билан уйғунлаштириб, либос тикаётган цех ишчиларининг қўли кўлига тегайди. Чунки буюртмалар кўп, маҳсулотлар харидоригир.

– 1995 йилдан буён уйда тикувчилик билан шуғулланардим. Кейинчалик дизайнликни ҳам ўргандим, – дейди у. – Ҳозир аксар либосларни ўз

чизмаларим асосида тикишни йўлга қўйганман. Қачонлардир қилган орзуларим ушалди, яъни кичиккина бўлса-да, тикув цехи очдик. Натихада «Аёллар дафтари»дан ҳам чиқиб олдик. Ниятим субсидия олиб, цехни янада кенгайтириш ва яна 30-40 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш.

Бугунги кунда «Аёллар дафтари» ижтимоий ҳимояга муҳтожлар кўнглига малҳам бўлмоқда. «Саришунгил» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Насиба Абдуллаева ревматизмнинг оғир турини бошидан кечирган. Касаллик асорати йиллар ўтиб, уни тўшакка



михлаб қўйган. Бахтга қарши оиласида ҳам келишмовчиликлар юзага келиб, унга ижтимоий шаҳарчадан бир хонали уй ажратиб берилган. У ерда қизи Беғзодахон билан истиқомат қилади.

– Ҳаёт синовларга тўла экан, – дейди у. – Оёқларимдаги оғриқлар йиллар ўтиб кучайди ва оқибатда юролмай қолдим. Кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қолиш оғир нарса. Шукрим, давлатимиз мени ташлаб қўймади, ҳозир қўлтиқтаёқда бўлса-да, ҳаракатланяпман. Бошпанам борлиги эса кўнглимга хотиржамлик бағишлайди. Бундай шароитларни яратиб берган барча масъулларга катта раҳмат! Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан ҳаётимизга нур инмоқда.

«Аёллар дафтари»ни varaқлар эканмиз, ҳеч бир инсон эътибордан четдан қолмаётганига гувоҳ бўлдик.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»



БУГУН...

Шунақаси ҳам бўлар экан...



Венесуэладаги мисли кўрилмаган бензин инқирози ёнилғи учун километрлаб навбатларга сабаб бўлди. Фермерлар ёнилғи йўқлиги сабабли етиштирган ҳосилини омборлар ва дўконларга етказиб бера олмай, ташлаб юборишга мажбур бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Венесуэла дунёнинг энг нефтга бой давлатларидан бири ҳисобланади.

Африка делегациясининг тинчлик сафари бошланди



Африка тинчликпарвар миссияси таркибига Жанубий Африка президентида ташқари Замбия, Комор ороллари, Конго Республикаси, Миср, Сенегал ва Уганда раҳбарлари ҳам қиради.

CNNнинг хабар беришича, Африка давлатлари вакиллари Украина ва Россияга бир қатор «ишончли мустақамлаш чоралари»ни таклиф қилишни режалаштирмоқда.

Жиддий хавотир билдирилмоқда

Хитойнинг «Huawei» ва «ZTE» телекоммуникация компаниялари усқуналаридан «5G» тармоғида фойдаланиш Европа Иттифоқи учун бошқа усқуна етказиб бериувчилар маҳсулотига нисбатан «сезиларли даражада юқори хавф» туғдириши мумкин, деб ҳисоблайди Еврокомиссия. Бу ҳақда комиссия матбуот хизмати хабар берди.

«5G» тармоғи ички бозор фаолиятида, шунингдек, ЕИдаги ижтимоий ва иқтисодий функцияларга таъсир қилувчи муҳим инфратузилма ҳисобланади, деб таъкидлайди Брюссель.

Айрим Европа давлатлари олдин «Huawei» ва «ZTE»дан усқуна сотиб олишдан воз кечган.

ЕИ Ички бозор бўйича комиссари Тьерри Бретон барча аъзо давлатларни бир хил чора кўришга чақирди.





Митти ҳажвиялар

КУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Кечкурун оиламиз аъзолари телевизор олдида жам бўлиб, мультфильм томоша қилаётганди. Бир маҳал телефон жиринглаб қолди. Гўшақни кўтардим. Ундан бўлим бошлимизнинг ингичка овози эшитилди: «Абсаттор! Комиссия аъзоларини меҳмонхонага обориб кўйиш керак эди, директоримизнинг машинаси бузилиб қолибди...»

Қобилжон ЮНУСОВ



Ўғит

ЭНГ ҚУТЛУҒ ЗИЁРАТ

Бир донишманд «Энг фойдали ва қутлуғ зиёрат нима?» деган саволга шундай жавоб берибди: – Бойлигинг ёки мартабанг ошиб-тошиб кетса ҳам, омадинг юришмай, гадога айланиб қолсанг ҳам қабристонга бор. Биринчи ҳолатда ҳовурингдан тушиб, охири келар жойим шу, деб ўзингни босиб оласан, иккинчи ҳолатда эса тириклар сафида юргангизга шуқур қиласан ва бундан катта таскин топасан.

«АЛКИМЁГАР» ёхуд пул яширилган жой

– Алло, дадаси, қачон қайтасиз? – Ҳа, нима, бугун пайшанба, деб ош қилувдингми? – Ош қайда, нонқовурдоқни совиткича солиб қўйдим, иситиб ер-сиз. Мен Меҳри дугонаникига гаштакка кетаяпман. – Яхши бориб кел. Мен навбатчиман, уйга кечроқ қайтаман. – «Яхши бориб кел» эмиш. Пулсиз қандай бораман? Ҳар сафар ўртага икки юз минг сўмдан ташлаймиз. Эрталаб сиздан сўраш эсимдан чиқибди...

Нуриддин ЭҒАМОВ

КЎЗ ЁШЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН МАКТУБ



Эртага ўғлининг туғилган куни – у етти ёшга тўлади... Ота суюкли ўғли учун нима қилиши кераклигини узоқ ўйлади. Ниҳоят, мактуб ёзишга жазм этди. Қўлига қалам олди-да, оғир хўрсиниб, дилида борини қоғозга тушира бошлади: «Азиз ўғлим! Сени жуда яхши кўраман, ҳаммадан кўпроқ соғинаман! Сен жажжи ни кенг дажон, сизни мана ш у - у - у н ч а яхши кўраман», деганинг- д е к ,

қулочимни дунёни сиздирар даражада очишни ва «Мен ҳам сени шу-у-унча яхши кўраман», дейишни устайман... Иккимиз куч синашганларимиз ёдингдами, ўғлим? Ишон, ҳар гал сен ростданам кучли бўла-ринг учун энгар эдинг, мен атай энглиб берма-дим... Менинг туғилган кунимни эслайсаними? Бобонг сенга олиб келган шоколадни емасдан, «Дадам келсалар, бераман», деб мени кута-кута ухлаб қолганингни-чи?. Мен юзларингга термулиб, қанчалар қувонгандим. Уша тонг «Бугун кеч келманг, дада?» деб илтмос қилганинг, «Мен ухламай, сизни кутаман, хўпми?» дея қулганинг бугун эрталабдан буён сира ҳаёлимдан нари кетмапти...

Ушла, ўғлим, ушла. Хотиржам ухла. Чунки ёнинг-га қачон боришимни билмайман... Мен сени яхши кўраман, жуда-жуда яхши кўраман. Сени қаттиқ соғиниб: даданг». Ота эрталаб қабристонга йўл олди ва... тун бўйи аччиқ кўз ёшларини тўкиб, минг бир изтироб ила ёзган мактубини севимли ўғлининг жажжи қабри пойига кўмиб қайтди.

Ибротли ҳикоя



Биласизми?


СИР-СИНОАТЛАРГА БОЙ ДУНЁ

* Курраи заминимиз Куёшдан ўртача 150 миллион километр узоқликда жойлашган. Офтобдан таралган ёруғлик унга 8 дақиқа-ю 33 сонияда етиб келади.

* Инсон кўз очиб-юмиши, янаям аниқроғи, киприк қоқиши учун бир сониянинг бешдан икки қисмига тенг вақт кифоя.

* Лайлак соатида 50, қалдирғоч эса 120-180 километр тезликда учади.

* Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, Ернинг ёши 5 миллиард йилга, оғирлиги 5136000000 миллиард тоннага, ўртача радиуси 6370 километрга, ҳажми 83 миллиард куб метрга, сатҳи 10 миллион квадрат километрга тенгдир. У ўз ўқи атрофида секундига 30 километр тезликда ҳаракатланиб, 23 соат 57 дақиқа-ю 13 сонияда тўлиқ айланиб чиқади.



Кунлардан бир куни...

Машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев автобусда кетаётганида, қаршида барзангидек эри билан ёнма-ён ўтирган хўшрўйгина жувон унга текилиб қолибди. Қизиқчининг шўхлиги тутиб, мўйловининг бир учини сал учираиб қўйибди. Жувон нимтабассум билан жавоб қайтарибди. Ҳожибой мўйловининг иккинчи учини ҳам қимирлатибди. Бироқ бу сафар жувоннинг эри уларнинг имо-ишораларини сезиб қолиб, шахт билан ўрнидан турибди:

Аёлларни кўрганда қимирлайдиган мўйлов

– Ҳов, тирранча, нега хотинимга қараб мўйловингни учираясан? Янчиб ташлайман ҳозир! – Ие-ие, кечирасиз, ака, – дея саросимага тушибди Ҳожибой. – Бу... мўйловим азалдан шунақа, гоҳ-гоҳо ўзидан ўзи қимирлаб қолади. – Хм, шунақами, ўзича қимирлайдимми? – Кўзининг пахтаси чиқиб сўрабди эркак. – Қани, унда менга ҳам қараб, бир қимирласин-чи! – Кечирасиз, ака, у эркаларга қимирламайди... Барзанги Ҳожибойнинг ёқасига чанг солибди. Жувон абжирлик билан унинг қўлига ёпишиб, Ҳожибойдан ажратиб олибди. – Ҳой, дадаси, – дебди кейин унга танбеҳ бериб, – ахир, бу йигит ўзимизди қизиқчи Ҳожибой Тожибой-ку!.. Ҳа, энди ҳазиллашиб қимирлатса-қимирлатибди-да, шунга шунчамми?.. «Ҳожибой» исмини эшитган барзанги ҳовуридан тушибди ва соддадиллик билан дебди: – Уэр, мен сизни танимай, мўйловингиз ростакамига қимирлаяпти, деб ўйлабман... Солиҳ ҚАҲҲОР ёзиб олган.

Хандалар

Донолик ҳам касалликми?

Соҳилда бир гуруҳ одамлар дам олишаётганди. Кутилмаганда кўлдан қўлига чақалоқ кўтариб олган сув париси чиқиб келиб, улардан сўради: – Илтмос, менга ғаввос Олимжон ака қаерда яшашини айтиб юборинглар. *** – Вокзалга чиқиб, қайнонамни кутиб олсанг, ўн доллар бераман. – Мабодо, у келмаса-чи? – Унда йигирма доллар олсан. *** – Дўхтир, эшитишимча, донолик ҳам ўзига хос касаллик эмиш... – Хавотирланманг, биродар, сиз бундай хавфдан мутлақо холисиз. *** – Кислород барча жонли мавжудот учун зарур ҳаёт манбаи, – деди маъруза ўқитган профессор. – Аммо у атиги бир асрача муқаддам кашф қилинган.

– Қизиқ, – деди бир талаба ажабланиб, – у ҳолда қадимги аждодларимиз қандай яшаган? *** – Қарашларингдан сезаяпман, мени жуда ёмон кўрасан. Ўлсам, қабристонга бориб, гўримга тупуришдан ҳам тоймасанг керак, – деди баджаҳл бошлиқ ўзи ёқтирмайдиган ходимга. – Адашасиз, – деди ходим ҳозир-жавоблик билан, – узун навбатга туришга менинг сираям тоқатим йўқ. *** Бир маромда парвоз қилаётган самолёт ногаҳон тўнқарилиб уча бошлаганди, йўловчилар кўрқиб кетишди. Стюардесса қиз эса уларни тинчлантирди: «Асло хавотирланманглар, ҳаммаси жойида! Учувчимиз бурнига дори томзиб бўлиши биланоқ самолёт ўнганлади».

Масаллар

ЭТАРНИНГ АРМОНИ

– Бировнинг гапини бировага етказиб, қақимчилик қилгандан кўра, менга ўхшаб ошқора сўзла, мард бўл, – деди радио телефонга танбеҳ бериб. – Мен сен каби эрта-ю кеч тинимсиз валақламайман, – деди телефон. – Керакли одамни қақираман-да, бор гапини қулоғига шартта айтаман-қўяман. *** – Нега ҳамма сени мактаб, тулпор, дудул, саман, тўриқ дейди, – деди эгар отга дардини ёриб. – Ҳолбуки, мен сендан баландда тураман-ку. – Агар мен бўлмасам, одамлар сенинг ҳеч кимга керак эмаслигингни яхши билишди-да, – деди от сувлигини бамайлихотир чайнаб. Баҳром МАҲМУДОВ

Ҳикматлар

НОҒОРАНИНГ ИЧИ БЎМ-БЎШ

Шоир, адиб ва мутафаккир Шайх Саъдий Шерозий дейди... • Мен Аллоҳдан кўрқаман, аммо ундан ҳам кўпроқ Худодан кўрқмагандан кўрқаман. • Ошқозон оч бўлса, тана руҳга айланади, аксинча ҳолатда, руҳ танага айланади. • Сен бошқаларда ўзинг ақлли эканлигинг ҳақида таассурот уйғотмоқчи бўлиб, биров билан баҳслашсанг, улар сенинг нодонлигингдан огоҳ топишадди. • Аҳмоқ одам мисли ноғора кабирди, у қаттиқ овоз чикаради, аммо ичи бўм-бўш. • Нигоҳингни осмонга қарат, лекин оёгинг ерда туриши лозимлигини ёдингда тут.



Саҳифани Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Нега шундай деймиз?



ЎЛГЎЗ ҚИЗ – ЯЛАМА ТЎЗ

Ҳойнаҳой, кўрган ёки эшитгандир-сиз: чорвадорлар кўпинча охурга катта ва қаттиқ туз ташлаб қўйишади. Моллар ҳар замон-ҳар замонда уни ялаб, ем-хашакни еявер-ради. Туз уларнинг иштаҳасини очади. Баъзи жойларда эса бундай намаклар молнинг тилида ўсиб чиқадиган игнасимон қаттиқ этларни йўқотишда қўл келади. Аждодларимиз ота-онаси «пуф-пуф»лаб ўстирган ёлғиз эркатой қизни ана шу тузга менгзашган ва ушбу нақлни истеҳзоли оҳангда қўллашган.

МУАССИС:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir A. Abdurahmonov

Musahhihlar D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:10 Topshirildi – 01:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «poteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma G-613 Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31262 14452 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.